

ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС УЧУН АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15629459>

Анвар ҚОДИРОВ
Алфраганус университети профессори

КИРИШ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, тарихий тараққиётимизда бугунги демократик янгиланишлар учун пойдевор вазифасини бажарувчи Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларидан Учинчи Уйғониш даврига ўтиш тарихий ворисийлик принципига таяниши зарур. Бу хусусда гапирар экан, мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев “бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни пойдеворини бунёд этиш – бу шунчаки орзу эмас. Бу-аниқ стратегик мақсад ва умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган бекиёс амалий жараёнди” (2.1.) деб таъкидлайди.

Шу асосда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон- маърифатли жамият” концепциясини олға сурди. Бундай концепция ва ғоя ёшу-қарини аниқ мақсадлар атрофида бирлаштирувчи, тарихий юксалишга ундовчи илмий парадигмадир. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун халқимиз томонидан ўзининг узоқ тарихий тараққиёти давомида яратилган, ҳаёл, орзу мақомида бўлган ғояларни тиклаш ва уларни умуммиллий бунёдкорлик ҳаракати учун ўзига хос байроқ, илмий дастур сифатида фойдаланиш лозим. Ушбу контекстда Шарқ илк Уйғониш даври мутафаккирлари Имом Бухорий, Имом Термизий, Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад Фарғоний, Абу Мансур Мотурудий, Абу Райхон Буруний, Абу Али ибн Сино каби боболаримиз томонидан адолатпарвар жамият, ҳуқуқий давлат тўрисидаги ғояларини Учинчи Ренессанс пойдевори учун маънавий асос тарзида фойдаланишимиз зарур.

Фозил жамиятга эришиш фақат илм-маърифат воситасида бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни Абу Наср Форобий билан бир қаторда унинг замондоши Юсуф хос Хожиб Баласоғуний ҳам олға сурган. Унинг шох асарларидан бири-“Қутадғу билик”(Саодатга элтувчи билим) номли рисоласи шу ҳақда бўлган.

Юсуф хос Хожиб XI асрда яшаб ўтган. Унинг “Қутадғу билик” асари Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарига ҳамоҳанг (4.). Бироқ у Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асари ёзилган даврни чуқур ўрганган турк олими Фуад Кўпрўлининг айтишича, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарида 8 йил кейин пайдо бўлган (демак, 1077 йил). “Қутадғу билик” асарининг бугун Ўзбекистон интилаётган Учинчи Ренессанс учун ибратли ва фойдали жиҳати шундаки, асарда бугун халқимиз томонидан бунёд этилаётган адолатли

жамият ғояси баёт этилган. Унинг давлат қурилиши ва бошқарувига оид ғоялари рамзий маънода “адолат-давлат-қонун” триадаси шаклида ифода этилган. Бу ғоя бугун юртимизда аста-секин қарор топаётган “инсон-жамият-давлат” триадасига ҳамоҳангдир. Ушбу мақолада шу асосда буюк маърифатпарвар бобомиз Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарида акс этган триаданинг Учинчи Ренессанс даври учун илмий ва амалий аҳамияти талқин қилинади.

Калит сўзлар: Биринчи Ренессанс, Юсуф хос Хожиб, “Қутадғу билик”, Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, тарихий ворисийлик, адолатли жамият, ҳуқуқий давлат.

Асосий қисм.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон - бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатдир”, - деб белгилаб қўйилган [2, 5-б.]. Шунингдек, Конституциянинг “Муқаддима” сида (Преамбуласида) бунга эришиш “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизацияга бекиёс хисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб” амалга оширилади (1.3) деб таъкидланади. Мана шундай бебаҳо илмий мероснинг гултожлари Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарларидир.

Ушбу тарихий манбаъларда адолатли жамият, қомил инсон масалалари, бир сўз билан ифодалаганда “жавонмардлик (Кошифий) аксарият панд-насихатлар мақомида идрок этилади, реаллик эмас, балки саробий ҳолат ёритилади, жамият ижтимоий табиатидан кўра кўпроқ фозил инсон маънавий табиати қандай бўлишлигига асосий урғу берилади. Юсуф хос Хожиб, Югнакийнинг замондоши Кайковус “Кобуснома” си, Кошифий асарларининг асосий мотиви пандномалар мақомида бўлган. Натижада ижтимоий юксалишнинг асосий субъекти, жамият маънавий ҳолати ҳукмдор маънавиятига нисбатан иккинчи даражали, ҳосила нарсаси, деб қаралган.

Мумтоз фалсафий ақидага биноан эса ҳар бир халқ ўз ҳукмдорига лойиқ ва муносиб. Зеро, ҳар қандай буюк шахс жамият маънавий юксалиш даражасига боғлиқ. Фозил жамиятдагина фозил кишилар етишиб чиқади.

Юсуф хос Хожибнинг илмий меросига, хусусан унинг давлатчилик, давлат қурилиши ва бошқарувига оид таълимоти бугунги дунёвий, демократик миллий давлатчилигимизни шакллантириш учун маълум даражада аҳамиятга эга. Юсуф хос Хожиб яшаган феодал давлатчилиги билан бугунги демократик давлатчилик ўртасида фарқ бор. Бугун Рим ҳуқуқий анъаналарига, яқкахокимликка эмас, хокимиятлар бўлиниши принципига асосланган либерал давлатчиликка ўтиш тенденцияси шакллانган. Бугунги давлатчилик принципи асосан Ғарб либерал демократияси, Николло Макиавелли, Т. Гоббс, Ж. Локк, Г. Гроций, Ш. Монтескье

каби буюк даҳолар яратган инсон табиий ҳуқуқлари ва ижтимоий шартнома каби демократик қадриятлар моҳиятидан келиб чиқади, "хукмдор" парадигмаси "демократия" парадигмаси талабларига бўйсинади(5.). Бундай концептуал ғояни мухтарам Президентимиз "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган илмий парадигмасида ифода этади.

Буюк Шарқ мутафаккирларидан бири Юсуф хос Хожибнинг давлатчилик таълимотининг бугун Ўзбекистонда шаклланаётган дунёвий, демократик давлатчилик учун аҳамияти шундаки, унда Шарқ халқлари менталитетига хос ҳалоллик, жавонмардлик, адолатпарварлик, илм аҳлини улуғлаш, маърифатга таяниш каби қадриятлар юқори баҳоланади (6.7.).

Юсуф хос Хожиб давлатчилик таълимоти сиёсий семиотика-рамзий асосга қурилган. У Адолат-Давлат-Ақл триадасига, яъни Кунтуғди(Адолат), Ойтуғди(Давлат)-Ўғдулмуш(Ақл) рамзий бирлиги тарзида ифода қилинган. Ўғдулмуш (Ақл) шох "(Кунтуғди)га хос вазирдир. Бундай концептуал формуланинг бугунги давлат бошқаруви учун аҳамияти шундаки, давлат раҳбари ўз фаолиятида вазирларига таяниши лозим. Юсуф хос Хожиб бу талабни вазир (Ақл) тилидан шундай талқин қилади: "Шоҳ(бег)ларга ёрдам қўлини чўзувчи вазирдир. Вазир яхши бўлса шоҳ осойишта ухлайди. Давлатдаги бебошликларни аввало вазир тартибга солади. Бунинг учун ақл-идрокли, фаҳмли, ҳар ишга юраги урадиган, зеҳни ўткир, билими денгиз, юзи ёруғ, тадбиркор, тўғрисўзли, феъл-атвори аъло, андишали, иймонли, эл ишончини оқлаган, бечораларга мурувватли, хушёр ва мулоҳазали вазир керак.

У шоҳга садоқатли бўлиб, шоҳнинг том маънодаги ўринбосари, тадбиркор киши бўлсин. Унинг бойликка нисбатан кўзи тўқ бўлиши керак. Чунки кўзи оч одам дунёни еса ҳам тўймайди. Вазир салобатли ҳам бўлсин, иши тез юришади. Ҳисоб-китоб доноси, турли ёзувлардан хабардор бўлсин.

Вазирлик ҳисоб-китобдан иборат. Ҳисоб бу-умрни саодатга бошловчи тўғри йўللardan биридир. Мана шундай киши вазир бўлса Шоҳ ҳам, эл ҳам ҳаловат топади. Ҳазина кўпаяди, йиллар баракали бўлади. Вазир мангуликка айланади. Чунки вазирнинг хизмати давлат ва миллатга бу дунё саодатини бахшида қилишдир. Бу дунё саодатига етган, албатта у дунё саодатига ҳам эришади(5.363-373).

Ушбу мулоҳазалардан дедуктив хулоса қилинса, бугун давлат бошқарувида урчиб кетган коррупция иллоти демократик давлат ва унинг либерал сиёсатигагина эмас, кўпроқ ижро ҳокимиятидаги маънавий ҳолатга боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Зеро, давлат бошлиғи қанчалик уринмасин, унинг фатволари агар ижрочилар нолойиқ бўлса, самарасиз қолаверади. Шу маънода Юсуф хос Хожиб маънавий ўғитлари бугун ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотмаган дейиш мумкин(7.).

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс даражасига ҳаётнинг барча соҳаларида эришиш давлат бошқарувига оид умуминсоний тажриба билан бир қаторда ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик маънавий меросидан ҳам унумли фойдаланишни талаб қилади. Шу маънода халқимизнинг тарихий мероси- муқаддас “Авесто” билан бир қаторда ўрта аср илк Уйғониш даври буюк мутафаккирларидан бири Юсуф хос Хожиб илмий мероси, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари ва бошқа тарихий манбаъларда ёритилган давлат қурилиши ва бошқарувига оид ғоялардан самарали фойдаланиш бугунги давлатчилик амалиёти учун аҳамиятлидир. Давлат қурилиши ва бошқарувига оид Юсуф хос Хожиб ғоялари унинг шох асари “Қутадғу билиш”да ўз аксини топган.

Юсуф хос Хожибнинг давлатчилик таълимотининг Учинчи Ренессанс даври учун тарихий аҳамияти шундаки, у мусулмон Шарқида давлатчилик маърифатига асос солади. XI асрлардаёқ у давлатни асосан фозиллар тузишини, жоҳиллар эса уни барбод этишга уринишларини англаб етган эди. Бундай ҳолат хали ҳам давом этаётир.

Мана 34 йилдирки, тарихий орзуимиз-миллий давлатчиликни тиклаш ва уни яна буюкликка кўтариш имконияти юзага келди. 2030 йилгача мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган вазифаларини амалга ошириш давлатчилик маърифатини юксалтириш билан узвий боғлиқ. Бугун ижтимоий онгда миллий давлатчилик маърифатини қайта тиклаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Шу маънода, илк ўрта аср буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Юсуф хос Хожиб ва бошқа таниқли маърифатпарвар аждодларимиз беқиёс илмий меросидан дунёвий, демократик ва ижтимоий давлатчиликни барпо этишда унумли фойдаланиш айни муддаодир.

АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2022.
3. Юсуф хос Хожиб. Қутадғу билик. -Т.: Фан, 1971.
4. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Ёшлар матбуоти. 2022.
5. Николло Макиавелли. Государь. М.: Планета, 1990.
6. Мухамедов А.А. Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асаридаги ижтимоий-фалсафий қарашлар. -Т. 20213.
7. Мухамедов А.А. Юсуф хос Хожиб илмий меросининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. -Т.: “Олтин қалам” нашриёти. 2023.